

I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь–март ойларида Фарғона вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 6 576,3 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йилнинг тегишли даврига нисбатан 4,0 % га ўсди.

2020 йилнинг январь–март ойлари якуни бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 1 749,5 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 2,1% га ошди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМни шакллантиришда Фарғона вилоятининг кўшган хиссаси 6,0% ни ташкил этди.


Ялпи ҳудудий маҳсулот
(2020 йил январь–март ҳолатига, фоиз таққослама нархда)

	млрд.сўм		2019 йил нисбатан, фоиз ҳисобида
	2019 йил	2020 йил январь–март	
Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	5 716,2	6 576,3	104,0
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	5 258,5	6 341,5	104,0
Маҳсулотларга соф солиқлар	457,7	234,8	104,1
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	5 258,5	6 341,5	104,0
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	914,2	1 155,2	104,9
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	1 945,5	2 280,7	104,7
саноат	1598,5	1835,8	104,1
қурилиш	347,1	444,9	107,3
Хизматлар	2 398,8	2 905,6	103,1
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	528,8	620,9	102,6
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	421,7	482,1	105,1
бошқа хизматлари	1 448,2	1 802,5	102,6

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) – миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент – институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқариш усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соф солиқлар йиғиндисини орқали ҳисобланади.

Ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати–104,9 %, (ЯҲМ таркибидаги улуши–18,2 %), саноат–104,1 % (28,9 %), қурилиш–107,3 % (7,0 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар–102,6% (9,8%), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа–105,1% (7,6 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар–102,6 % (28,5%) ни ташкил этди.


2020 йилнинг январь-март ойларида ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари



Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 96,4% ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса 4,0% ини ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 0,8% пунктга ўсди ва ҳисобот йилида 18,2 % ни ташкил этди. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 1,1 % пунктга камайди ва 35,9 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 2020 йилнинг январь-март ойларида 45,9 % ни ташкил этди ва 2019 йил (45,6 %) билан таққосланганда 0,3% пунктга кўпайди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби
(январь–март ҳолатига, жамига нисбатан фоизда)



Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 9,8 % ни (2019 й. – 10,1 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 7,6 % ни (8,0 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 28,5% ни (27,5%) ташкил этди.

Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(2020 йил январь–март, жамига нисбатан фоизда)

2019 й.

2020 й.




- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

Жорий йилнинг январь–март ойлари давомида дастлабки маълумотларга кўра ялпи худудий маҳсулот аҳоли жон бошига 1 749,5 минг сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг (1 549,4 минг сўм) мос даврига нисбатан 2,1 фоизга ўсди. Шу билан бирга вилоятда йирик корхоналар иқтисодий фаолияти жадаллаши оқибатида ЯХМда кичик бизнес улуши 56,9 фоизни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорликнинг ЯХМдаги улушининг пасайиши динамикаси январ - март ҳолатига, %


2020 йилнинг январ - мартида кичик тадбиркорликнинг ЯХМдаги улуши 56,9 %ни ташкил қилди. (2019 - йилнинг январ - мартида 56,1 %).

2020 й.




ЯХМ таркибида ўсиш йирик корхоналар улушининг камайиши билан тушунтирилади.

2019 й.



Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМни шакллантиришда Фарғона вилоятининг кўшган ҳиссаси 6,0 % ни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,1 пунктга камайган.

ЯИМ да Фарғона вилоятининг улуши, фоизда



Ялпи ички (худудий) маҳсулот
январь–март ҳолатига

	<i>ЯҲМ млрд. сўм</i>			<i>Аҳоли жон бошига, минг сўм</i>		
	<i>2019й.</i>	<i>2020й. январь– март</i>	<i>%</i>	<i>2019й.</i>	<i>2020й. январь– март</i>	<i>%</i>
Ўзбекистон Республикаси	93 101,6	110 517,8	104,1	2 794,5	3 253,3	102,0
Қорақалпоғистон Республикаси	3 426,4	3 955,1	103,9	1 829,7	2 080,4	102,4
Андижон	4 808,2	5 995,3	106,3	1 565,1	1 913,2	104,3
Бухоро	4 298,8	4 908,0	105,1	2 265,5	2 547,6	103,5
Жиззах	2 231,4	2 631,5	104,6	1 646,4	1 899,6	102,3
Қашқадарё	5 218,8	5 804,6	100,6	1 621,1	1 765,9	98,5
Навоий	7 214,5	9 383,2	103,7	7 352,8	9 394,5	101,8
Наманган	3 332,7	4 236,9	108,6	1 208,3	1 504,4	106,3
Самарқанд	5 712,8	6 733,5	103,6	1 500,8	1 733,2	101,5
Сурхондарё	3 232,4	4 078,0	107,1	1 255,1	1 547,7	104,7
Сирдарё	1 843,0	2 025,2	102,5	2 216,5	2 388,3	100,5
Тошкент в.	9 509,6	11 578,9	104,4	3 276,1	3 929,5	102,9
Фарғона	5 716,2	6 576,3	104,0	1 549,4	1 749,5	102,1
Хоразм	3 101,4	3 726,9	105,2	1 687,0	1 993,7	103,4
Тошкент ш.	15 950,5	19 745,4	106,2	6 339,4	7 655,3	103,6